

**UZCARD EMV пластик карталари сақловчиларидан товар/иш/хизматлар учун
тўловлар қабул қилувчи Мижозларга хизмат кўрсатиши ШАРТНОМАСИ**

Тошкент ш.

«___» 20__ й.

Номидан _____ йилдаги _____ сонли Ишончнома асосида _____ ФИО _____ иш юритаетган «Капиталбанк» АТБ (бундан кейин «Банк») бир томондан, ва номидан Устав/рухсатнома (патент) асосида _____ ФИО _____ иш юритаётган _____ НОМИ/ФИО _____ (бундан кейин «Мижоз»), биргаликда эса «Томонлар» деб аталувчилар, мазкур UZCARD EMV Сақловчиларида хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиши (Эквайринг) Шартномасини (бундан кейин – «Шартнома/мазкур Шартнома») қуидагилар тўғрисида туздилар.

I. АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Мазкур Шартнома мақсадларида қуидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

Карта – Банк ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа тижорат банки томонидан эмиссия қилинган, карта Сақловчисига Карта ҳисобвараги бўйича кўп марта транзакцияларни амалга ошириш имкониятини берувчи «UZCARD EMV» тизимининг сўмдаги микропроцессорли пластик картаси. Картанинг жорий ҳолати тўғрисидаги ахборот ЯУПМда акс эттирилади;

UZCARD EMV – Асосий унсури (элементи) EMV технологик платформасидаги Карталар бўлган локал нақдсиз ҳисоб-китоблар тизими. UZCARD EMV тизимининг асосий хусусияти бўлиб транзакцияларнинг реал вақт режимида амалга ошиши ҳисобланади;

Транзит ҳисобвараги – Мижознинг амалга оширилган транзакциялари бўйича тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китобларга мўлжалланган Банқдаги ҳисобвараги;

Карта сақловчиси – Картадан эмитент билан шартнома асосида фойдаланувчи ва Картани сотиб олинаётган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун тўлов воситаси сифатида тақдим этувчи эгаси ёки у томондан ваколат берилган шахс,

ЯУПМ – банк карталарининг бирламчи эмиссиясини, транзакцияларнинг авторизацияси, ишлови ва клирингини, «UZCARD» БТТ доирасида банкларнинг ўзаро ахборот ҳамкорлиги ва тасдиқлаш учун уларга банк карталари бўйича амалга оширилган банклараро транзакциялар бўйича ахборотни жўнатишни таъминловчи Ягона умумреспублика процессинг маркази;

«UZCARD» БТТ (Банклараро тўлов тизими) – банк карталарини эмиссия қилувчи банклар, товар (иш, хизмат) сотувчиларига хизмат кўрсатувчи банклар, ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк ва ЯУПМни ягона тизимга бирлаштирувчи, нақд пулсиз тўловларни электрон шаклда амалга ошириш учун мўлжалланган, хукуқий меъёрлар, меъёрий хужжатлар, дастурий-техник ечимлар, шунингдек, тегишли ташкилий-техник инфратузилма мажмууга асосланган ҳудудий тарқоқ тўлов тизими;

Ускуна – Мижознинг Карта сақловчисига хизмат кўрсатишига мўлжалланган техник воситалари. Ускуна таркибига POS-терминал (куват манбаи адаптери ва кувватлантириш кабели билан), PINни киритиш учун фойдаланувчи клавиатураси;

POS-терминал – Мижознинг товарлар/ишлар/хизматлари учун Карта орқали тўловларни қабул қилиш ва ЯУПМ билан реал вақт режимида амалга оширилган транзакциялар бўйича Слипларни (чекларни) шакллантириш бўйича электрон курилма;

Слип – Картадан фойдаланган ҳолда транзакция амалга оширилганини тасдиқловчи, Транзакция суммаси, Тразанкция тури, Транзакция амалга оширилган сана, шунингдек Картани ҳамда мазкур Слипни шакллантирган НКМ POS-терминални идентификация қилиш имконини берувчи ахборотни ўз ичига олувчи POS-терминал квитанцияси (қўчирмаси). Ҳар бир амалга оширилган Транзакция учун Слип 2 нусхада берилади. Бир нусха Карта сақловчисига берилади, иккинчи нусха Мижозда сақланиши лозим;

Транзакция – товар/иш/хизматлар тўлови учун POS-терминал воситасида карта бўйича амалга оширилаётган тўлов. Транзакция тасдиғи Карта сақловчиси томонидан ПИН-код ёрдамида амалга оширилади;

ПИН-код – Карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини тасдиқловчи, шунингдек картада сақланадиган ахборотдан Учинчи шахслар фойдаланиши имконини чекловчи Картанинг шахсий идентификацион раками. ПИН-код маҳфий маълумот ҳисобланади ва сир сақланиши лозим. ПИН-коднинг сақланиши учун Мижоз жавобгар;

Натижаларни таққослаш – Бу онлайн операция бўлиб, уни бажариш натижасида НКМ POS-терминалида мавжуд барча Транзакциялар, шунингдек Reversal (бекор қилиш) операциялари ЕОПЦга ишлов бериш учун узатилади. «Натижаларни таққослаш» операцияси ККМ POS-терминалида амалга оширилган барча Транзакцияларни ЯУПМ билан таққослашни амалга оширади. Ушбу операция ёрдамида, НКМ POS-терминалида аввалги «Натижаларни таққослаш» операциясигача амалга оширилган Транзакциялар сони ва суммасини кўриш мумкин;

Тўловнинг қайтарилиши – Мижознинг Карта орқали сотиб олинган товар(иш, хизмат)ларидан воз кечгани натижасида, Мижознинг ҳисобварағига кирим қилиш учун, Мижоз томонидан маъкулланган, ва Банк томонидан ўрнатилган шаклда Мижоз томонидан амалга ошириладиган Пул маблағларининг қайтарилиши. Пул маблағларининг қайтарилиши нақд шаклда амалга оширилиши мумкин эмас;

Reversal – Коммуникация хатоси (алоқадаги носозлик) юз берганда Карта бўйича НКМ POS терминалда транзакциянинг бекор бўлиши. Асл Транзакция амалга оширилганда слипда мазкур транзакцияни амалга оширишдан хатолик тўғрисида ахборот кўрсатилган бўллади;

Стоп рўйхат – Карта сақловчисининг карта йўқотилиши (ўғирланиши ва ҳ.к.) натижасидаги расмий мурожаатидан сўнг ушбу карта орқали Транзакциялар таъқиқланган Карталар рўйхати;

Банк йўриқномалари (Йўриқномалар) – Мижознинг Карта сақловчисига хизмат кўрсатиши, Ускунадан фойдаланиш ва Мижознинг Банк билан ишлаш жараёнлари ва қоидаларини тавсифловчи ҳужжатлар. Банк йўриқномаларига риоя қилиш Томонлар учун мажбурийдир. Йўриқномалари Банк Сайтига жойлаштирилган.

1.2. Мазкур Тартибда қўлланиладиган бошқа атама ва таърифлар Банкнинг бошқа ички ҳужжатларида қўлланиладиган маъно билан бир хил маънога эга.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Шартнома, Мижоз томонидан тўлдирилган Анкета (1-сон Илова) ва Транзит ҳисобварақ очиш учун Ариза (3-сон Илова)га асосан Томонлар учун мажбурий тус олади (кучга киради) ва унга мувофиқ, Банк Мижозга UZCARD EMV Карта сақловчиларига хизмат кўрсатиш (тўловлар олиш) бўйича хизматларни (эквайринг) тақдим этади.

2.2. Мазкур Шартнома, Банк тарифлари, ҳамда Мижоз томонидан тегишли тартибда тўлдирилган Анкета ва имзоланган Ариза биргаликда UZCARD EMV Карта сақловчиларига хизмат кўрсатиш (тўловлар олиш) бўйича Мижозларга хизмат кўрсатиш шартномаси (кейинги ўринларда — «Шартнома») ҳисобланади.

2.3. Мижоз товарлар/ишлар/хизматлар учун Карта Сақловчиларидан Мижоз томонидан сотиб олинган, Транзакциялар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган Ускуна воситасида тўловларни қабул қиласди.

2.4. Мижоз ҳар куни натижаларни таққослайди ва Слипларни шакллантиради.

2.5. Шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўм) амалга оширилади.

2.6. Мижоз томонидан берилган Ариза Мижоз Йўриқномалар билан танишганлиги ва розилигини билдиради.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Ариза тақдим этилган ва Ускуна тақдим этилган кундан кейинги 5 (беш) иш куни мобайнида, Қабул қилиш – топшириш Далолатномаси (2-сон Илова) асосида Мижозга созланган Ускунани қайтариб бериш;

3.1.2. Банк томонидан ЯУПМ дан Карталар бўйича Транзакциялар олинганидан кейинги 3 (уч) банк иш кунидан кечикмасдан, Мижознинг Анкетасида (1-сон Иловада) кўрсатилган ҳисобварағига барча ишланган Транзакциялар суммасини ўтказиб бериш;

3.1.3. Мижознинг аризасига асосан, ишлов берилган транзакциялар бўйича кў chirma тақдим этиш.

3.2. Мижознинг мажбуриятлари:

3.2.1. Банк томонидан созланган Ускунани қабул қилиш, POS-терминални ўрнатиш учун жой тақдим этиш ва Ускунанинг сақланиши ва бутлиги учун жавобгарликни олиш;

3.2.2. Транзит ҳисобварақ очилиши учун зарур хужжатларни (шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатига олинганини түғрисида гувоҳнома, шанингдек 3-сон Иловага мувофиқ Ариза) тақдим этиш;

3.2.3. Карта сақловчиларидан Карталар бўйича тўловларни қабул қилиш имконияти Банк томонидан тўхтатиб қўйилмасдан (ўчирилмасдан) аввал Ускунани Учинчи шахсларга бермаслик;

3.2.4. товар/иш/хизматлар учун тўловларни Стоп-рўйхатда бўлмаган карталардан қабул қилиш;

3.2.5. ҳар куни натижаларни таққослаб бориш;

3.2.6. ўзининг худудида реклама белгиларини ёки Банк томонидан берилган бошқа материалларни лозим тарзда кўрсатиш, ва Банк томонидан маъқулланган номлар ёки тасвирлардан фақатгина Карточкалар Мижоз томонидан тўлов воситаси сифатида қабул қилинишини кўрсатиш учунгина фойдаланиш;

3.2.7. Банк билан тузилган Шартнома шартларига оид ҳар қандай реклама материалини Банк билан келишиш ва унинг ёзма розилигини олиш;

3.2.8. Слипларнинг дубликатларини улар расмийлаштирилган санадан бошлаб 1 (бир) йил давомида сақлаш, шунингдек, Банкнинг биринчи талаби билан, талаб қилинган санадан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичida тақдим этиш;

3.2.9 Карта сақловчиси томонидан товар/иш/хизматлар учун тўлов учун тақдим этилган Картани, агар ушбу карта Стоп-рўйхатда бўлса (бу ҳақда POS-терминал

дисплейида тегишли хабарнома чиқади), барча мавжуд қонуний воситалар орқали ушлааб туриш, ва бу ҳақда Банкни хабардор қилиш;

3.2.10. Сақловчига Слип нусхасини бериш;

3.2.11. Банк Мижоздан мазкур Тартиб шартларига мувофиқ талаб қилиб олишга ҳақли бўлган пул маблағлари суммасини, Банқдан тегишли хабарномани олгандан кейинги 1 (бир банк иш куни мобайнида қайтариб бериш;

3.2.12. Банкнинг мазкур Шартномага алоқадор барча талаблари ва Йўриқномаларини ижро қилиш;

3.2.13. мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг ёки унинг муддатидан аввал бекор қилинганида, 1 (бир) банк иш куни давомида Ускунани унда тўловларни қабул қилиш имкониятини йўқ қилиш (ўчириш) учун Банкка тақдим этиш;

3.2.14. амалдаги Банк Тарифлари билан ўрнатилган комиссион ҳақ ва жарималарни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бориш;

3.2.15. Мижознинг савдо шаҳобчасида бир ойдан кўпроқ муддат мобайнида Сақловчиларнинг карталари орқали транзакцияларни амалга оширишга имкон бермайдиган режелаштирилган тадбирлар (таъмирлаш, инвентаризация, қайта ҳисоб-китоб, давлат ваколатли органлари текшируви ва ҳ.к.) тўғрисида Банкни олдиндан ёзма равища хабардор қилиш;

3.2.16. Банк Тарифлари, Йўриқномалари ва Шартнома доирасида ишлатиладиган бошқа хужжатлардаги ўзгаришлар тўғрисида янгиланган маълумотларни олиш мақсадида, мунтазам равища Банк Сайтига ташриф буюриб туриш;

3.2.17. Мижозда Банк томонидан тақдим этилган POS-терминалдан фойдаланиб шубҳали (гумонли) операциялар амалга оширилганлиги аниқланса, Банкнинг биринчи талаби билан операцияни амалга ошириш қонунийлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш;

3.2.18. Мижознинг Анкетасига (1-сон Илова) ҳаққоний бўлган маълумотларни киритиши;

3.3. Томонлар махфийликка риоя этишлари ва маълумотларни бошқа томоннинг ёзма розилигисиз тарқатмасликлари шарт, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.4. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Келишувда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Банк қўйидаги хуқуқларга эга:

4.1.1. қўйидаги ҳолларда Шартномани бекор қилиш (уни бажаришни тўлиқ рад этиш):

- Мижоз мазкур Тартибининг 3.2.1-3.2.18 ва 4.3.1-4.3.4. кичик бандларида кўрсатилган шартларни бузган бўлса, шунингдек Мижоз томонидан бир ой мобайнида Карта сақловчиларига хизмат кўрсатилмаган бўлса;

- Агар Мижоз Ускунани Шартномага ёки Ускунадан фойдаланиш мақсадига зид равища ишлатаётган бўлса;

- Агар Мижоз Ускунани созлигини таъминлаш ёки уни лозим даражада ишга яроқли ҳолатда сақлаш бўйича мажбуриятларини бажармаётган бўлса;

- Мижоз POS-терминалидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки тероризмни молиялаштириш мақсадида фойдаланилаётганлигининг асосланган шубҳалари аниқланган куни;

- хисобварага пул маблағлари хатлов (арест) қилинганда, ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигигида назарда тутилган ҳолларда хисобвараг операциялари тўхтатиб турилганда;

- мазкур Шартномада келтирилган бошқа ҳолларда.

4.1.2. Банк томонидан Мижоз POS-терминал орқали шубҳали (гумонли) операцияларни амалга оширганлиги аниқланган тақдирда, Мижоздан уларнинг қонунийлиги бўйича ёзма тушунтириш олингунга қадар, тақдим этилган POS-терминални Банкка қайтариш орқали Шартноманинг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш;

4.1.3. Қўйидаги ҳолларда Транзакциялар бўйича Мижознинг пул маблағларини ўтказиши тўхтатиб туриш:

- Ускунани ишлатиш қоидалари бузилганлиги натижасида Транзакция маълумотлари нотўғри шаклланган бўлса;

- Кarta сақловчиси Транзакцияга нисбатан даъво қўзгатган бўлса ва бу даъво Ўзбекистон Республикасининг ваколатли суд идоралари томонидан қаноатлантирилган бўлса;

- Мижознинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши жараёни амалга ошаётган бўлса. Бу ҳолатда, Транзакциялар бўйича пул маблағларининг ўтказилиши тугатиши комиссияси ёки бошқа ваколатли идоранинг тегишли қарори қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади;

- Мижоз томонидан мазкур Тартибининг 3.2.7. ва 3.2.8. кичик бандларига мувофиқ унга юклатилган мажбуриятлар бажарилмаганда;

4.1.4. Агар Ускунани ишлатиш қоидалари бузилганлиги натижасида Транзакция ишлов учун нотўғри юборилган бўлса, транзакция бўйича пул маблағларини ўтказиб бермаслик ва Транзакцияга ишлов бериш бўйича харажатларни Мижозга юклаш;

4.1.5. Агар транзакция ўтган кундан кейин 30 (ўттиз) календар кунидан ортиқ вақт ўтган бўлса, ёки мазкур Тартибининг 3.2.11. ва 3.2.12 кичик бандлари бузилган бўлса, транзакцияни тиклашга қаратилган Мижознинг сўрови бўйича ҳаракатларни амалга оширмаслик;

4.1.6. аввал кирим қилинган (хисобга олинган) Транзакция бўйича шаклланган Reversal суммасини, шунингдек ижара ва сотиб олиш тўловларини ишлов учун юборилган Транзакциялар суммасидан ёки бирламчи/иккиламчи талаб қилиб олингунча хисобварагдан акцептсиз равища ундириш олиб (хисобдан чиқариб олиш);

4.1.7. Банк Йўриқномаларини бир тарафлама ўзгартириш;

4.1.8. Мижоздан Банк Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақини ундириш;

4.1.9. Мижоздан амалдаги Банк Тарифларига мувофиқ жарима суммасини ундириш;

4.1.10. Мижознинг почта/юридик манзили бўйича, Кarta сақловчиларига хизмат қўрсатишига доир ҳақиқатда амалга ошираётган фаолияти ва унинг фаоллиги бўйича, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тартибда, шубҳали (гумонли) операцияларнинг олдини олиш ёки аниқлашга қаратилган мониторингни амалга ошириш.

4.2. Мижоз қўйидаги хуқуқларга эга:

4.2.1. амалга оширилган Транзакциялар бўйича Банкдан ёзма равища кўчирмалар сўраб олиш;

4.3. Мижоз қўйидаги хуқуқларга эга эмас:

4.3.1. Тўловлар қайтарилишида нақд пул маблағлари бериш. Бу ҳолатда Мижоз пул маблағларини Кarta сақловчисининг карта хисбварағига ўтказиб бериши лозим;

4.3.2. Стоп-рўйхатдаги ёки «Visa International» Йўриқномасида белгиланган стандартларга зид келувчи Карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қилиш;

4.3.3. Ускунани, сарф материалларини, Транзакциялар ва уларни амалга ошириш усули бўйича маълумотларни учинчи шахсларга бериш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан назорат функцияларига эга шахслар бундан мустасно;

4.3.4. Аввал ишлов бериш учун юборилган Транзакцияларни, қайта ишлаш учун ҳар қандай шаклда тақрор юбориш.

4.4. Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан назарда тутилган бошқа хуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЎЛОВ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Банк томонидан Терминалларга хизмат кўрсатиш ва транзакцияларга ишлов бериш учун воситачилик ҳақи ундирилиши амалдаги Банк Тарифларига мувофиқ амалга оширилади;

5.2. Мижознинг ҳисобварағида терминалга хизмат кўрсатиш учун воситачилик ҳақи тўлови учун пул маблағлари мавжуд бўлмаганда ёки етарли даражада мавжуд бўлмаганда, қарздорликнинг тўланмаган қисми акцептсиз тўлов талабномаси қўйиш орқали картотека 2 га жойлаштирилади, ва ушбу талабнома қонунчиликда белгиланган тартибда ижро қилинади. Кўрсатилган тўлов талабномаси ҳеч қандай қўшимча тасдиқсиз Мижоз томонидан акцептланган бўлиб ҳисобланади.

5.3. Шартнома муддатидан олдин тугатилган ёки бекор қилинган ҳолда, Шартнома бекор қилинган ёки тугатилган куни, терминалларга хизмат кўрсатганлик учун Тарифларга мувофиқ барча воситачилик ҳақи тўловларини, Шартнома тугатилган ёки бекор қилинган санадан қатъий назар, тўлиқ ундириб олади (ушлаб қолади).

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар..

6.2. Агар Томонларининг бири томонидан Иккинчи Томонга мазкур Шартнома предмети билан боғлиқ қандайдир заарар етказилса, айбдор Томон ушбу заарни қоплайди.

6.3. Қуйидаги ҳолатларда Банк жавобгар эмас:

6.3.1. пул маблағларини қоплаб бериш бўйича:

– Шартнома шартларига мос келмайдиган ёки зид бўлган Транзакциялар бўйича;

– мазкур Шартноманинг 4.1.4-4.1.5. кичик бандларида кўрсатилган сабабларга кўра;

6.3.2. ЯУПМ ускунаси ишидаги узилишлар, Мижоз томонидан Кarta Saқlovchilariga хизмат кўрсата олмаслигини юзага келтирганда;

6.3.3. POS-терминал дастурий таъминоти ишлашидаги узилишлар учун.

6.4. Мижоз қуйидагилар учун жавобгарликка эга:

6.4.1. Слипларнинг сақланиши ва Банкка ўз муддатида тақдим этилиши учун;

6.4.2. Мижоз томонидан Стоп-рўйхат ўз вақтида янгилинмагани натижасида Стоп-рўйхатда бўлган Картага хизмат кўрсатганлик учун;

6.4.3. Шартнома шартлари бузилиши натижасида Мижоз томонидан Банкка етказилган заарар учун.

6.5. Томонларнинг бири Шартнома шартларини ижро қилишда Амалдаги қонунчиликни бузса, иккинчи Томон бу учун жавобгарликка эга эмас.

VII. БАНКНИНГ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД БҮЙИШИ

7.1. Томонлар мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги учун, агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий оғатлар, эмбарго, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари томонидан қабул қилинган ва томонларнинг мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик килувчи қарорлар ва бошқа меъёрий хужжатлар сингари мазкур Шартнома тузилгандан кейин юзага келган ҳолатлар, шунингдек, ҳар икки тарафнинг иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар (электр энергиясининг мавжуд эмаслиги, станциялар оралиғидаги алоқа узилишлари ва Интернет тармоғи провайдерларининг айби билан телекоммуникация алоқасининг йўқлиги, ЎзР МБ АБМ да компьютер тизимининг ишдан чиқиши ва х.к.) натижасида юзага келган бўлса, Томонларнинг ҳеч қайси тарафи жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

7.2. Банк қуидаги ҳолларда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод ҳисобланади:

- а) банкларо электрон тўловлар тизимининг эҳтимолий ишдан чиқишида;
- б) Мижознинг тўловлари у томонидан тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилишда камчиликка йўл қўйилганлиги учун кечиктирилганида;
- в) Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, пул маблағлари ёки бошқа мулк ишга солмай тўхтатиб қўйилганда, ҳисобварақдаги пул маблағларига таъкиқ қўйилганда, ёки ҳисобварақдаги операциялар вақтинчалик тўхтатиб турилганда;
- г) Томонларнинг иродаси ва хоҳишидан ташқари юзага келган ҳамда ҳеч қайси томон иккинчи томон олдида жавобгар бўлмайдиган, оқилона усуслар билан олдиндан қўра билиш ёки олдини олиш мумкин бўлмаган, Банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва форс-мажор ҳолатлари юзага келганда, шу жумладан давлат бошқарув ва назорат органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чекловчи-тақиқловчи характердаги хужжатлар/чоралар қабул қилиниши, сув тошқини, зилзила ва бошқа табиий оғатлар, уруш, эпидемиялар ва эпизоотиялар, ёки амалдаги қонун хужжатларининг ўз кучини йўқотиши ёхуд уларга ўзгартишлар киритилиши натижасида Банк томонидан Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришнинг имкони бўлмаганда;

VIII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

8.1. Шартнома Мижоз томонидан Ариза берилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 1 (бир) йил муддат амал қиласи. Агар Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан 20 (йигирма) банк иш куни аввал Томонларнинг ҳеч бири уни бекор қилиш истагини билдиримаган бўлса, Шартнома кейинги ҳар бир календар йилига узайтарилган ҳисобланади.

8.2. Шартнома қуидаги ҳолларда бекор қилиниши ёки тугатилиши мумкин:

- Банк томонидан ва Шартномада назарда тутилган ҳолларда бир тарафлама;
- Томонлардан бирининг ташаббуси билан, бекор қилишнинг режалаштирилган санасидан камида 10 (ўн) банк иш куни олдин иккинчи Томонни ёзма равища огоҳлантириш шарти билан;
- Шартнома билан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

8.3. Мижознинг Банк олдида Шартнома бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса, ушбу қарздорлик бўйича барча мажбуриятларини ижро қиласи.

8.4. Шартнома бекор қилинганда ёки тугатилганда, Мижознинг транзит хисобвараклари ёпилади.

8.5. Шартнома бекор қилинганда (сабабидан қатъий назар) ёки тугатилганда, Банк Тарифларига кўра тўланган воситачилик ҳаки Мижозга қайтариб берилмайди.

8.6. Шартнома билан боғлиқ низолар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал этилади. Агар музокаралар орқали низоларни ҳал этиш имкони бўлмагандан, низолар Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8.7. Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу Тартиб билан назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Келишув асосида тартибга солинади.

Реквизитлар:

"БАНК"

"Мижоз"

МИЖОЗ АНКЕТАСИ

Савдо шаҳобчаси номи _____

Савдо шаҳобчаси манзили: _____

Мўлжал: _____

Рахбарнинг Ф.И.Ш. _____

Рахбарнинг алоқа телефони _____

Бухгалтернинг Ф.И.Ш. _____

Бухгалтернинг алоқа телефони _____

Пластик карточкалардан тушум
хисобга тушириладиган банк
хисобвараги реквизитлари
Фаолият тармоги: (Пуллик
хизмат/савдо корхонаси): _____

Агар Корхона товарлар/ишлар/хизматларни реализация қилиш бўйича бир неча шаҳобчага эга бўлса ва ускуналарни ўрнатиш жойлари шаҳар/туманинг турли қисмларида жойлашган бўлса, илтимос савдо шаҳобчалари тўғрисида алоқа маълумотларини кўрсатинг:

| <i>Савдо нуқтаси номи</i> | <i>Алоқа учун маълумотлар</i> |
|---------------------------|----------------------------------|
| _____ | Манзил: _____ |
| _____ | Мўлжал: _____ |
| _____ | Алоқа телефонлари: _____ |
| _____ | Алоқа учун шахснинг Ф.И.Ш. _____ |
| _____ | Манзил: _____ |
| _____ | Мўлжал: _____ |
| _____ | Алоқа телефонлари: _____ |
| _____ | Алоқа учун шахснинг Ф.И.Ш. _____ |
| _____ | Манзил: _____ |
| _____ | Мўлжал: _____ |
| _____ | Алоқа телефонлари: _____ |
| _____ | Алоқа учун шахснинг Ф.И.Ш. _____ |

| | | |
|-------------------------------------|-----------------------------|---|
| Мижоз | _____ (Имзо) М.Ў. | Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг хаққонийлигини тақдислайман ва юқорида кўрсатилган ходимларни Карта Сакловчиларига хизмат кўрсатиш учун масъул этиб тайинлайман |
| «Kapitalbank»АТБ номидан | _____ | Корхона шасий таркиби билан инструктажни амалга оширедим |

Ускунани қабул қилиш – топшириш далолатномаси

Тошкент ш.

«____» «_____» «_____» йил

«Капиталбанк» АТБ вакиллари, қуидаги таркибида:

Бошқарувчи:

Пластик карталар
бўлими бошлиги:

ва Мижознинг вакили

ССК Раҳбари

Куидаги далолатнома шу мазмунда туздиларки, қуидаги Ускуна «Капиталбанк» АТБ вакиллари томонидан **ТОПШИРИЛДИ**, Мижознинг вакили томонидан эса **ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНДИ**:

| № | Ускуна номи, модел | Бирликлар сони | Серия раками | Инвентар раками |
|---|--|----------------|--------------|-----------------|
| 1 | НКМ POS-терминал -терминал (модел) (куват манбай адаптери ва кувватлантириш кабели билан комплектда) | | | |
| | Жами | | | |

Ускуна топшириш вақтига соз, ишга яроқли ҳолатда турибди, учинчи шахсларнинг ҳар қандлай талаблари ва даъволаридан озод, низо ва таъқиқда/хатловда эмас.

Вакилларнинг аниқланган камчиликлар хусусияти ва юзага келиш сабаблари бўйича холосаси: **камчиликлар аниқланмади**.

Томонлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни ўз ичига олган далолатномани имзолаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огохлантирилган.

Банк томонидан топширилди:Бошқарувчи _____
М.Ҷ.Пластик карталар бўлими бошлиги
_____**Мижоз томонидан қабул қилинди:**

Раҳбарнинг Ф. И. Ш.

Имзо
М.Ҷ.

Ускунани қабул қилиш – топшириш далолатномаси

Тошкент ш.

«____» «_____» «_____» йил

Мазкур далолатнома шу мазмунда тузилдиким, куйидаги Банк Ускунаси Мижознинг вакили томонидан **ТОПШИРИЛДИ**, куйидаги таркибдаги «Капиталбанк» АТБ вакиллари _____ филиали бошқарувчиси _____ ва Пластик карталар бўлими бошлиги _____ томонидан **ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНДИ**:

| № | Ускуна номи, модел | Бирлик лар сони | Серия раками | Инвентар раками |
|---|--|-----------------------|--------------|--------------------|
| 1 | НКМ POS-терминал -терминал (модел) (куват манбаи адаптери ва кувватлантириш кабели билан комплектда) | | | |
| | Жами | | | |

Мулк топшириш вақтига куйидаги холатда турибди _____ .

Вакилларнинг аниқланган камчиликлар хусусияти ва юзага келиш сабаблари бўйича хulosasi:

Томонлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни ўз ичига олган далолатномани имзолаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огохлантирилган.

Банк томонидан қабул қилинди:

Бошқарувчи

М. Ў.

Мижоз томонидан топширилди:

Рахбарнинг Ф. И. Ш.

Пластик карталар бўлими бошлиги

Имзо
М. Ў.

З-сон Илова

дан
(аризачининг номи)

**Хисобварак очиш учун
АРИЗА**

Банк карталари бўйича тушумлар ва операцияларни хисобга олиш учун Транзит хисобварак
(хисобварак тури, талаб килиб олингунча, муддатли, жамгарма депозити ва х.к.)

Миллий
валютада (сўм)
(валюта номи)

НОМИГА

(хисобварак эгаси номи)

Манзил:

очишингизни сўрайман.

| | | |
|----------------------|--|-------------------|
| « _____ » 20 ____ й. | | |
| | | (рахбарнинг ФИШ) |
| | | |
| М. Ў. | | (хисобчининг ФИШ) |

« _____ » 20 ____ й.

БАНК БЕЛГИЛАРИ

Хисобварак очиш бўйича ҳужжатларни текширдим: Бош бухгалтер _____

(подпись) _____ Транзит _____ хисобварак
(хисобварак тури, талаб килиб олингунча, муддатли, жамгарма депозити ва х.к.)

_____ миллий валютада (валюта номи) депозит очилишига руҳсат бераман.

Бошқарувчи _____
(имзо)

Хисобварак очилди « _____ » 20 ____ й.

Хисобварак (раками) счета _____

Бошқа белгилар _____

**Товар/иш/хизматлар учун UZCARD EMV банк Карталари сақловчиларидан
түловлар қабул қылувчи Мижозларга хизмат күрсатиши бўйича**

“КАПИТАЛБАНК” АТБ ТАРИФЛАРИ

| № | Хизматлар номи | Қиймати |
|----------|---|----------------------------|
| I | Мижозларнинг миллий валютадаги ҳисобварағи бўйича операциялар | ----- |
| 1.1. | Товар/иш/хизматлар учун UZCARD EMV банк Карталари сақловчиларидан түловлар қабул қилиш учун Транзит ҳисобварақ очиш ва ёпиш | Бепул |
| - | «Капиталбанк» АТБ терминаллари орқали пластик карталарни түловга қабул қилиш бўйича савдо-сервис корхоналарига (ССК) хизмат кўрсатиши | |
| 1.2. | Сўмдаги пластик карталардан түловларни қабул қилиш бўйича терминалларга хизмат кўрсатганлик учун ҳар ойлик воситачилик ҳақи | Бепул |
| 1.3. | Сўмдаги пластик карталар билан «Капиталбанк» АТБ билан шартнома тузган савдо-сервис корхонасида ўрнатилган терминал (шу жумладан, POS – терминал НКМ) орқали амалга оширилган транзакцияларга ишлов бериш | Транзакция суммасидан 0.2% |
| | Visa ва Mastercard карталари билан «Капиталбанк» АТБ билан шартнома тузган савдо-сервис корхонасида ўрнатилган терминал (шу жумладан, POS – терминал НКМ) орқали амалга оширилган миллий валютадаги транзакцияларга ишлов бериш | Транзакция суммасидан 1% |

Реквизитлар:

"БАНК"

"Мижоз"